Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 31 (5892). ● 12 февраль, 1977 йил ⊙ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

ТАЖРИБА, БИЛИМ, МАҲОРАТ—КОММУНИЗМ ХИЗМАТИДА

ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ «КРАСНИЙ ВОДОПАД» ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БАЗАСИ МАШИНАДА СУТ СОҒИШ ОПЕРАТОРИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ АНАСТАСИЯ ИВАНОВНА ЧУДНАЯГА

Азиз Анастасия Ивановна!

Сиз ўз хатингизда 1976 йилги социалистик мажбуриятни анча оширибб бажарганингизни ва энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиб, айни вақтда маҳсулот бирлигига меҳнат сарфини камайтирганингизни хабар қилибсиз. Мен хатингизни зўр мамнуният билан ўқиб чиқдим.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажаришда эришилган муваффақиятлар, Сизнинг бу йил ҳар бош сигирдан 4100 килограмм, ўзингизга бириктирилган чорва моллар группасидан эса 710 тонна маҳсулот олиш тўғрисидаги мажбуриятингиз ички резервлар ҳали нақадар кўплигини, чорвачилик миришкори ўз касбини мукаммал ўрганиб олса, фан ва илғор тажриба ютуқларини актив жорий этса, қандай чўққиларга кўтарилиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини ошириш учун кураш бошлаган Лейда Пейпс, тулалик машинада сут соғиш усталари ва киевлик чорвадорларнинг ташаббусини фермаларнинг ходимлари бажонидил маъқуллаб кутиб олганликлари ҳақиқатан ҳам ажойиб ишдир.

Анастасия Ивановна, Сизнинг фидокорона меҳнатингиз мусобақадаги пешқадамларимиз учун ҳаққоний ифтихор туйғусини уйғотади. Бу илғорларимиз ўзларн юксак натижаларга эришиш билангина кифояланиб қолмасдан, шу билан бирга эндигина ўз ижодий меҳнат йўлини бошлаган ёшларнинг меҳрибон мураббийлари ҳам бўлишга интилмоқдалар. Очиғини айтсам, бир йил мобайнида 270 чорвадорга илғор иш методларини, бу ишнинг бутун моҳорати ва «сирлари»ни ўргатиш — осон иш эмас. Бу ишни фақат юксак малакали мастер, чинакам собитқадам ва ўз касбига меҳр қўйган кишигина қила олади. Кўпгина ишлаб чиқариш новаторлари куч ва ғайратларини аямай, бу ишга ўзларининг бутун тажрибаларини, бутун билимларини сарфлаётганликлари жуда соз.

Сизнинг меҳнатдаги ютуқларингиз чорва маҳсулдорлигини анча оширш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, планларни ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш ишида чорвачилик ходимлари учун муносиб намуна бўлиб хизмат қилади.

Сизга сиҳат-саломатлик, коммунизм йўлидаги олижаноб меҳнатингизда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан

Л. БРЕЖНЕВ.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ ҚУРУЛТОЙИДА

Ўтган 1976 йилги иш якунларини жамлаш, КПСС XXV съезди қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги масалаларига оид мактубидан, КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ҳақидаги қарорларидан келиб чиқадиган беш йилликнинг иккинчи йили вазифаларини белгилаб олмоқ учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари кўклам арафасида Тошкентда ўзининг анъанавий қурултойига тўпландилар.

11 февраль эрталаб соат 10. Қишлоқ меҳнаткашлари илғор коллективларининг вакиллари Тошкент Санъат саройининг байрамона безатилган залига тўпландилар. Номлари бутун мамлакатда машҳур бўлган кишилар— донгдор пахтакор, энг яхши механизатор, ғаллакор, чорвадор, пешқадам мелиораторлар президиумдан жой оладилар. Министрликлар, идоралар, илмий муассасалар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари улар билан бирга ўтирибдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар — Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари А. С. Абдалин, Д. Ешмўратов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов президиумда ўтирибдилар. Қардош пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг делегацияларига бошчилик қилувчи — Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ш. Р. Расизода, Туркманистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Б. Ф. Бурашников, Тожикистон ССР қишлоқ хўжалиги министри М. З. Зоиров, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги пахтачилик ва луб экинлари Бош бошқармасининг бошлиғи Ю. М. Ремидовский ҳам президиумда бор эди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. М. Матчонов кириш нутқи сўзлаб, қурултойни очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида Фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Мамарасулов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг социалистик мажбурияти тўғрисида доклад қилди.



ТОШКЕНТ. 1977 йил 11 февраль. Республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи. Суратда: қурултой мажлислар залида. А. Абалян ва С. Гусейнов фотоси.

Докладда ва қурултой қатнашчиларининг нутқларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барча тармоқларининг иши атрофлича таҳлил қилинди. КПСС XXV съезди бўлиб ўтган йил — катта ва шонли зафарлар билан нишонланганлиги таъкидлаб ўтилди. Пахтакорлар об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай рекорд ҳосил — 5 миллион 337 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Республика деҳқонлари давлат омборига биринчи марта бир миллион тоннадан кўпроқ дон етказиб бердилар. Чорвадорлар, пиллачилар, боғбонлар ва сабзавоткорлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Леонид Ильич Брежнев республика меҳнаткашларини ана шу эришган ютуқлар билан самимий қутлади. Бу муваффақиятларга партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, концентрациялаш ва ихтисослаштиришга қаратилган аграр сиёсати амалга оширилганлиги натижасида, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари қаҳрамонона меҳнат қилганликлари натижасида эришилди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш — Ўзбекистон деҳқонларининг асосий вазифасидир. Юбилей йилида мўл ҳосил етиштириш учун ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда имкониятлар мавжуд. Суғориладиган ҳар бир гектар ер берадиган самарани ошириш зарур. Бунинг учун эса, деҳқончилик маданиятини яхшилаш, сувдан самаралироқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма участкаларида техника тараққиётини ва фан ютуқларини кенг жорий этиш лозим. Фарғона область, Киров районидаги «Москва» колхозининг раиси М. Мадаминов, Қўшқўпир районидаги «Тошкент» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ў. Нуриллаева, Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари У. Саримсоқов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов ўз нутқларида ана шу ҳақда гапирдилар.

Ҳозирги вақтда коммунистларнинг ташаббуси билан хўжаликларда «оқ олтин»дан 50—60 центнерлик ҳосил олиш учун, ғаллазорларнинг самарадорлигини ошириш учун кураш авж олдириб юборилди. Социалистик мусобақани ташкил этишни тинмай такомиллаштириб, мусобақанинг ошкоралиги, натижаларнинг таққосланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш — меҳнат коллективларининг, партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Кўпгина хўжаликларда бой тажриба тўпланди. Ана шу тажрибани барча қишлоқ меҳнаткашларининг мулки қилиш—ғоят муҳим вазифадир. Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Қўнғирот районидаги Чапаев номли шоликорлик совхозининг бригадири М. Карлибоев, республика мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Ҳайдуров, Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси Н. Тўрабов, Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Х. Исроилов, Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтининг директори С. Мирахмедовларнинг нутқлари ана шу ва бошқа масалаларга бағишланди.

Қурултойда кўкламги дала ишларига тайёргарлик тўғрисида батафсил гапларшиб олинди. Ҳосилнинг тақдири — пахтакорлар ва ғаллакорлар, сабзавоткорлар ва полизчилар ана шу ғоят муҳим ишни қандай ўтказишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сўзга чиққан нотиқлар экиш-тикишни қисқа муддатларда, юксак агротехника даражасида, сифатли уруғ экиш билан ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Ишда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан техникани кўкламги дала ишларига яхши тайёрлашга ҳам боғлиқ. Кўпгина хўжаликларда тракторлар ва сеялкаларгина эмас, балки экинни парвариш қиладиган механизмлар ҳам ҳозироқ шай қилиб қўйилди. Механизаторлар сафларини кенгайтириш лозим. Ҳозир областларда бўлғуси механик-ҳайдовчилар, комбайнчилар, тракторчиларнинг катта отряди таълим олмоқда. Бу эса, далаларда ишни икки смена ташкил қилиш техникадан юксак унумли фойдаланиш имконини беради.

Қурултой қатнашчилари жамоат чорвачилигини ривожлантириш масаласига катта эътибор бердилар. Колхоз ва совхоз фермаларининг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев маъқуллаган киевлик чорвадорлар мурожаатини қизғин қўллаб-қувватладилар, ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилган қашқадарёлик чорвадорларнинг ташаббусига амалий ишлар билан жавоб бермоқдалар. Томди районидаги «Томди» давлат наслчилик заводининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Абдураҳмонов, Шаҳрисабз район ижроия комитетининг раиси М. Муҳаммадиев чорвадорлар молларни қандай семиртираётганликлари, сут соғиб олишни кўпайтираётганликлари тўғрисида, чорва туёғини кўпайтириш, чорва қишловини намунали ўтказиш учун қандай қурашаётганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Карсний водопад» экспериментал базаси машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати А. И. Чуднаяга Улуғ Октябрининг юбилейини қандай нишонлашга қарор қилганлигини гапириб берди. Донгдор сут соғувчи бир йил мобайнида ўзига бириктирилган 173 бош сигирдан 710 тонна сут соғиб олишга сўз берди. Сут соғувчи республиканинг 270 чорвадорига ўзининг меҳнат усулини ўргатади.

Қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари — Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ш. Р. Расизода, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Б. Ф. Бурашников, Тожикистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри М. З. Зоировларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қурултойда катта нутқ сўзлади.

Залда ҳозир бўлган кишилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш оператори А. И. Чуднаяга йўлланган мактубини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Қурултой иштирокчилари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1977 йилги социалистик мажбуриятини якдиллик билан қабул қилди.

* * *

Кечқурун қурултой қатнашчилари учун республика санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

«САЛЮТ-5» ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ ИШЛАМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 11 февраль. (ТАСС). Космонавтлар Виктор Горбатко билан Юрий Глазковнинг «Салют-5» орбитал илмий станциясидаги учинчи иш куни бугун эрталаб соат 8 да бошланди. Станцияни ишга солишга, борт аппаратларини ва илмий приборларни текширш, станциянинг айрим агрегатларини созлашга доир операциялар давом эттирилди.

Аввалги кун охирида экипаж вазнсизлик шароитида вестибуляр аппаратнинг электр қўзғатгичга илк таъсирчанлигини аниқлаш юзасидан медицина экспериментини бажарган эди. Бу ўлчовларнинг натижалари, жумладан, космонавтларни танлаш ва тайёрлаш методларини янада такомиллаштириш учун фойдаланиладн.

Жисмоний юкланишнинг ҳар хил турларидан фойдаланиб машқ ўтказилди, нккала космонавт танасининг оғирлиги массметр прибори ёрдамида ўлчаб кўрилди.

Планлаштирилган биологик тадқиқотларнн бажариш бошланди.

Телеметрия ахбороти маълумотларига ва космонавтларнинг айтишнга қараганда, космонавтларнинг сиҳат-саломатлиги яхши, улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Ер атрофи орбитасидаги иш муваффақиятли бажарилмоқда.

МАРРА—800 ЦЕНТНЕР

ЎТГАН йилги социалистик мусобақа якунларига кўра бригадамиз коллективи область партия комитети, область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Бригадамиз аъзоларининг фидокорона меҳнати ана шундай юксак ва муносиб баҳоланди.

ҲАҚИҚАТАН ҳам эришган натижаларимиз чакки бўлмади. Бригадада йиллик ишлаб чиқариш плани 140 процентга бажарилди. Шаҳарликлар дастурхонига мўл ва сифатли сабзавот маҳсулотлари етказиб бердик.

Эришган ютуқларимиз ичида энг кувончлиси шу бўлдики, ўтган йилда биз помидор ҳосилдорлигини 719 центнерга етказдик. Бу коллективимиз тарихида мисли кўрилмаган юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, ҳар гектар майдондан олти центнердан пиёз уруғи йиғиштириб олдик.

Қўлга киритилган ютуқлар қувончли. Лекин бу ҳар қанча қувончли бўлмасин, биз учун чегара эмас. Бу йилги вазифа — эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашдан, барча экин турлари ҳосилдорлигини оширишдан, маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан иборат. Меҳнатсевар деҳқонларимиз бу йил помидор ҳосилдорлигини гектар бошига 800 центнерга етказишга, ҳар гектар майдондан етти центнерга етказиб пиёз уруғи йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Кўриниб турибдики, режамиз улкан, юкимиз оғир.

Айтган сўзимиз устидан чиқиш учун кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик ишларини аллақачоноқ бошлаб юборганмиз. Дала бошларига кўплаб органик ўғит чиқарилди. Техника воситалари дала ишларига шай турибди. Колхозимизда помидор, карам кўчати тайёрлаш ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки кўчат қанчалик бўлиқ ва сифатли бўлса, ҳосил ҳам шунга яраша бўлади.

Биз кўшни Ўрозбек Ҳалменов бошлиқ бригада аъзолари билан мусобақадошмиз. Меҳнатда эришган ютуқларимизни, деҳқончиликдан орттирган тажрибаларимизни ўзаро ўртоқлашмоқдамиз. Мусобақадош бригада аъзоларининг ҳам белгилаган режалари улкан. Уларнинг ҳозирги кунда амалга ошираётган ишлари ана шу улкан мажбуриятга мувофиқ бўлмоқда. Чунки мусобақада кимнинг ғолиб чиқиши кўп жиҳатдан айни кунлардаги ишларга ҳам боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир илиқ-иссиқ кундан самарали фойдаланиб, кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўришни қизғинтиб юборишимиз керак.

Карим АШРАПОВ,
Калинин районидаги «Бўзсув» совхози бригада бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН ПРОКАТИГА СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон металлургия заводидан буюртмачиларга ортиб жўнатилган пўлат арматура пакетларига биринчи марта давлат Сифат белгиси туширилган ёрлиқлар қўйилди. Олий категория аттестацияси олган пўлат стерженлар олдиндан зўриқтирилган ва ошиқча нагрузкаларга чидаш бера оладиган бинокорлик деталлар ясашда ишлатилади.

Шу билан металлурглар Октябрь санаси шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларининг моддаларидан бирини бажардилар. Ўзбекистон металлургия заводининг ҳар бир коллективи аъло сифатли маҳсулот чиқаришга ўз ҳиссасини қўшди. Пўлат қуювчилар ҳозирга қадар заводда чиқарилмаган алоҳида составдаги пўлат эритишни ўзлаштирдилар. Шерали Ҳамроқулов ва Василий Зайцев бригадалари биринчи бўлиб шундай металл беришди.

Эндиликда «300» стани бир маромда, аниқ ишлайдиган қилинди. Мусобақа ғолиблари — мастер Шамси Нуриддинов бригадасига Сифат белгиси қўйилган дастлабки арматурани чиқариш ишониб топширилди. Бу бригаданинг қарийб ҳамма ишчилари олий разрядга эга.

Илғорлар кетидан бошқа коллективлар ҳам аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Октябрь олди мажбуриятларининг «УМЗ» маркали ҳамма прокатнинг ярмига яқинини Сифат белгиси билан чиқариш тўғрисидаги асосий моддаларидан бирини бажариш учун кураш кетмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Тошкент район меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақада актив иштирок этиб, ой сайин кувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўтган йили колхозчилар ва совхоз ишчилари эл дастурхонига 81 минг тонгадан кўпроқ сабзавот етказиб берган эдилар. Бу йил улар яна ҳам улкан марраларни қўзлашган. Омма орасида катта сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бораётган идеология ходимлари меҳнат коллективлари эътиборини мана шу вазифаларга қаратмоқдалар.

Район идеология ходимларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар аниқлаб олинди. Докладчи, район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Т. Толипов, музокарада сўзга чиққан район комсомол комитетининг секретари Г. Мўминова, Охунбобоев номли колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари К. Аҳмедов, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши ветерани Т. Шарипов ва бошқа ўртоқлар шоили санага бағишлаб ўтказилаётган суҳбатлар мазмунини бойитиш, идеология ишлари форма ва усулларини такомиллаштириш, Советлар ҳокимияти йилларида эришилган муваффақиятларни ишонарли ва таъсирли ифодалашга ёрдам берувчи қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Кенгаш қатнашчилари райондаги барча идеология ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети механизаторлар ва ремонтчиларнинг мактуби масаласини кўриб чиқиб, қайд қиладики, Оққўрғон райони механизаторлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари 1977 йилнинг 1 февралига қадар экиш агрегатларини мавсумга шай қилиб қўйдилар. Беда ўришга мўлжалланган машиналар ремонтини яқин кунларда, ғалла ўриш комбайнлари ва жатканлари ремонт қилишни 1 мартгача, пахта териш машиналари ремонтини 1 апрелгача тугаллаш тадбирлари белгиланди.

Область партия комитети Оққўрғон райони механизаторлари ва ремонтчиларининг республика механизаторлари ва «Узсельхозтехника» ходимларига хатини маъқуллади. Хат «Қишлоқ ҳақиқати» ва «Сельская правда» газеталарининг 1977 йил 6 февраль сонида эълон қилинган.

Район партия комитетларига, хўжаликларнинг партия ташкилотларига бу очиқ хатни колхоз ва совхозларда ва «Узсельхозтехника» корхоналари коллективларида кенг муҳокама қилишни топширди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига техниканн кўкламги дала ишларига тайёрлашни ўз вақтида ва юқори сифатли тугаллаш, ремонтдан чиққан техниканн қабул қилиб олувчи комиссиялар ишини активлаштириш, ўн кун муддат ичида ҳар бир трактор ва экиш агрегатларини текширишдан ўтказиш, аниқланган камчиликларни тугатиш ва ана шу асосда барча техниканн «яхши» ва «аъло» даражада ремонт қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш вазифаси топширилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига илғор ремонтчи бригадалар тажрибаси ва техниканн кўкламга муддатидан илгари шайлаб қўйиш учун механизаторлар ўртасида мусобақанинг йўлга қўйилишини кенг ёритиш топширилди.

(Оққўрғон механизаторларининг Очиқ хати газетамизнинг 3-бетида эълон қилинмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ С. МАМАРАСУЛОВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар! Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун совет халқи олиб бораётган шонли кураш йилномасига анчагина ёрқин саҳифа қўшдилар. КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми тарихий қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган ёрқин нутқидан илҳомланган республика меҳнаткашлари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини 20 декабрда бажарди. Қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари баракали меҳнат қилдилар. Деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз Ватанни ажойиб, чиндан ҳам мисли кўрилмаган муваффақиятлар билан қувонтирдилар. Пахтакорлар гоят мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, ваъдага вафо қилдилар, улар 5 миллион 337 минг тонна пахта йиғиб-териб, давлатга топширдилар. Бу бутун пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган энг мўл ҳосилдир. Леонид Ильич Брежнев ўз табрикномасида бу муваффақиятларга юксак баҳо берди.

Республикада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам муваффақиятли ривожланди. Давлат омборларига биринчи марта бир миллион 170 минг тонна сабзавот, 564 минг тонна полиз маҳсулоти ва 108 минг тоннадан зиёдроқ картошка, 532 минг тонна мева ва узум, 27,1 минг тоннадан ортиқ пилла, қарийб 621 миллион дона тухум, 207,3 минг тонна гўшт топширилди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг умумий қиймати 1975 йилдагига нисбатан қарийб 8 процент ўсди.

Бундай муваффақиятларга қишлоқ хўжалиги меҳнат аҳлининг фидокорона меҳнати туфайли, партия аграр сиёсатини амалга ошириш соҳасида партия, совет, қишлоқ хўжалиги, касаба союз ва комсомол органларининг собитқадамлик ва изчиллик билан иш олиб борганликлари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ҳар тарафлама мадад берганликлари туфайли эришилди.

Партия ва Совет ҳукумати деҳқонлар билан чорвадорларнинг меҳнатига юксак баҳо бердилар. Пахта, ғалла, сабзавот ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1976 йил планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари, бу соҳадаги шавкатли меҳнати учун колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, механизаторлар, сув хўжалиги, тайёрлаш ходимларидан ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ташкилотлари ходимларидан, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ходимларидан 14.984 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Алоҳида ибрат кўрсатган 16 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Улкан пахта хирмони учун курашда қардош республикалар — Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон пахтакорлари билан анъанавий социалистик мусобақа ўзининг ҳаётбахш кучини кўрсатди.

Ўтган йили пахтакорлар учун энг қийин, шу билан бирга энг катта муваффақиятга эришилган йиллардан бири бўлди. Тошкент вилояти деҳқонлари алоҳида ғўза тупларини қалин қолдиришга ўта бошладилар. 1976 йилда республикада ўрта ҳисобда пахта йиғим-теримига тушиш олдидан ҳар гектар майдонда кўчат қалинлиги 114 минг тупни ташкил этди. Бу ҳосилдорликка баракали таъсир қилди.

Пахта ялпи ҳосилини кўпайтиришда қишлоқ хўжалиги заракунандаларига, ўсимликларнинг касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Селекция ва уруғчилик ишини яхши йўлга қўйиш пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш ишида муҳим омилдир. Кейинги йиллар ичида селекциячи ва уруғшунос олимлар пахтанинг вилтга чидамли бир қанча навларини яратишдики, бу пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда республикада анчагина муваффақиятларни қўлга киритиш имконини берди.

Ўтган йилда пахта йиғим-терими комплекс механизациялашни ривожлантиришда янги маррага эришилди: 2 миллион 925 минг тонна пахта ёки ҳосилнинг 55 проценти машиналарда териб олинди. Ҳосилнинг 77 процентини машинада териб олган Тошкент областининг, 73,5 процентини машинада териб олган Сирдарё областининг, 70 процентини машинада териб олган Жиззах областининг механизаторлари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Оқолтин районида ҳосилнинг 95 проценти, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Дўстлик, Учқўрғон районларида эса 80 процентн ва ундан кўпроғи хирмонларга машиналарнинг бункерларидан тўкилди.

Ўтган йили йиғим-терим мавсумида 250-300 тоннадан пахта терган минглаб механизаторлар етишиб чиқди, пешқадам механизаторлар эса ўз машиналарининг бункеридан 400-500 тонна ва ундан ҳам зиёд пахта тўкдилар. Бука районидан дондгор механизатор Сервер Усеинов, Дўстлик районидан Тўлан Дадажонов, Избоскан районидан Валижон Қорабоев, Ромитан районидан Аҳмад Ҳамроев, Оқолтин районидан Ҳазрат Пирматов, Ленин йўли районидан Ҳолмўмин Сафаров, Косон районидан Ҳонкелди Холиқов, Нарпай районидан Усмон Мамадиёров, Тўрткўл районидан Ҳакимбой Пўлдошев, Олтиариқ районидан Абдиҳамид Хўжақулов машинада пахта теришда алоҳида ибрат кўрсатдилар.

Бугун афсуслиниб шуни айтамизки, бир қанча областлар, айрим районлар ва хўжаликларда пахтачиликка комплекс механизацияни жорий этишга ҳали тегишли даражада эътибор берилмаётир.

Масалан, Фарғона областида 1976 йилда машинада териб олинган пахтанинг салмоғи 1974 йилдагига нисбатан ҳатто камайиб кетди ва бор-йўғи 38 процентни ташкил этди. Қашқадарё областида кейинги уч йил ичида пахта йиғим-теримини машиналаштириш даражаси 36-48 процентни, Андижон областида эса 44-47 процентни ташкил этди.

Механизациялаш даражасини оширишда олимларнинг, конструкторларнинг, машинасозларнинг роли жуда катта. Пахтакорлар суғоришни механизациялаш учун ҳамда ерга тўкилган пахтани териб олиш учун янада мукаммалроқ машиналар кутмоқдалар. Улар бу йил Тошкент трактор заводида пахтачилик учун анча кўплаб чопиқ трактори — «МТЗ-80Х» маркали трактorни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, деб ишонадилар. Колхоз ва совхозлар ингичка толали пахтани териб оладиган машиналарни, уруғликка ажратилган участкалардаги пахтани териб берадиган қаватли машиналарни, пневматик подборшчикларни ва тозалагичларни бўлган пахта териш машиналарини шу йилнинг ўзидаёқ олишни мўлжалламоқдалар. «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг ишини яхшилашни, унинг ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишни ҳам турмушнинг ўзи талаб қилмоқда.

Республика деҳқонлари мамлакатни тобора кўпроқ миқдорда пахта билан таъминлашдан иборат асосий интернационал вазифани ҳал қилар эканлар, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини, шунингдек боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантиришга доимо катта эътибор бермоқдалар.

Ғаллакорлар ўтган йили мўл ҳосил йиғиштириб олдилар. Қорақалпоғистон АССР ва ҳамма областларнинг хўжаликлари давлатга ғалла сотиш юзасидан оширилган мажбуриятни муваффақиятли бажардилар. Маккажўхорикорлар айниқса катта ютуқларга эришдилар. Ўтган йили 770 минг тонна «кахрабо» дон йиғиштириб олинди, гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 61 центнер бўлди. Самарқанд ва Қашқадарё областларининг хўжаликлари гектаридан қарийб 70 центнер маккажўхори дони олдилар. Шаҳрисабз районининг колхоз ва совхозлари гектаридан 90 центнердан, Қарши, Пахтачи, Нарпай районлари 80 центнердан, 31 та маккажўхорикорилик бригадаси эса гектаридан 100 центнердан ортиқ маккажўхори дони олди.

Қорақалпоғистон АССРдан Ширин Юсупова, Андижон областидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодиров, Бухоро областидан Мурод Баратов, Жиззах областидан Турғун Акабоев, Қашқадарё областидан Муҳаммади Зубайдов, Наманган областидан Иброҳим Зокиров, Самарқанд областидан Олим Беркинов, Сирдарё областидан Жонибек Йўлдошев, Тошкент областидан Тамара Шоғиязова, Фарғона областидан Воҳиджон Дасуроев, Хоразм областидан Жаббор Мирзаев ва бошқа кўпгина илғор кишилар бошлиқ Советобод, Ховос, Қамаши, Яккабоғ районлари ва бошқа районлар ўтган йили ламликор ерларнинг ҳар гектаридан 9-13 центнердан арпа ва буғдой олдилар. Илғор хўжаликлар эса суғориладиган ерларда ғалладан гарантияланган ҳосил, яъни гектаридан 40-55 центнердан ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботладилар. Биз ғаллачилик хўжалиги юксалмоқда, деб ишонч билан айта оламиз. Шу билан бирга, ғаллачиликда ҳали катта резервлар ва имкониятлар бор. 1976 йилда 112 та колхоз ва совхоз бугдой ва арпа етиштириш, 113 та хўжалик маккажўхори дони етиштириш ва 17 хўжалик шоли етиштириш планларини бажармади.

Ҳар гектар майдон самарадорлигини оширишнинг конкрет программасини белгилаш ва бажариш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бунинг учун Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент областларида, тоғ этакларида ҳамда тоғли ламликор зоналарда кичик сув омборларини қуриш катта аҳамиятга эгадир. Мош, нўхат, лўвия ва шу сингари оқсил моддасига бой ва қимматли озиқ-овқат экинларга бўлган муносабатни ўзгартириш ҳамда ана шу маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш керак. Биз республика ғаллакорлари бу йил ҳам ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажарадилар ва 2,5 миллион тонна ғалла етиштириб, давлатга камида 1 миллион тонна дон сотадилар, деб ишонамиз.

Сабзавоткорлар, боғбонлар ва соҳибкорлар юксак марраларга эришдилар. Ўтган йили 3,6 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилди. Мева-сабзавотни давлат йўли билан харид қилиш 2 миллион 265 минг тоннадан ортиб кетдики, бу топшириқдагидан 420 минг тонна кўпдир. Умумиттифоқ фондига, мамлакатнинг саноат марказларига қарийб 700 минг тонна мева ва сабзавот етказиб берилди.

Самарқанд райони, Оржоникидзе райони, Тошкент райони ва Калинин райони мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга ишлаб чиқариш планларини йилдан-йилга бажармаётган, кам ҳосил олаётган анчагина хўжаликлар ҳали ҳам бор. Айрим хўжаликлар сабзавот ва мева етиштириш умумий планларини бажарганлари ҳолда кўпинча маҳсулот турларига эътибор бермайдилар.

Республика хўжаликларида бу йил 1 миллион 100 минг тонна сабзавот, 510 минг тонна полиз маҳсулотлари, 185 минг тонна картошка, 305 минг тонна хўл мева ва 325 минг тонна узум етиштирилиши керак. Биз хўжаликларнинг барча категориялари бўйича 1 миллион 150 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка, 560 минг тонна полиз маҳсулотлари, 220 минг тонна хўл мева ва 265 минг тонна узум тайёрлашимиз керак.

1976 йилда ўрмон дарахтларини муҳофаза қилиш, ихота-дарахтзорлари барпо этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. Тоғ ёнбағирларида мевали дарахтзорлар барпо этиш соҳасида Жиззах областида қилинаётган ишлар тажрибаси диққатга сазовордир. Ўрмон хўжалиги ходимлари шу билан бирга англи ўтқазилган кўчатларнинг кўкаришига ва сақлаб қолинишига, шунингдек тоғ этаклари ва даштларда ўрмонзорлар барпо этиш соҳасидаги ишларни кенгайтиришга кўпроқ эътибор беришлари керак.

Канон етиштиришда анчагина муваффақиятларга эришилди. 1976 йилда 319 минг тонна канон полизмаҳсулотлари, 185 минг тонна картошка, 305 минг тонна хўл мева ва 325 минг тонна узум етиштирилиши керак. Биз хўжаликларнинг барча категориялари бўйича 1 миллион 150 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка, 560 минг тонна полиз маҳсулотлари, 220 минг тонна хўл мева ва 265 минг тонна узум тайёрлашимиз керак.

1976 йилда ўрмон дарахтларини муҳофаза қилиш, ихота-дарахтзорлари барпо этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. Тоғ ёнбағирларида мевали дарахтзорлар барпо этиш соҳасида Жиззах областида қилинаётган ишлар тажрибаси диққатга сазовордир. Ўрмон хўжалиги ходимлари шу билан бирга англи ўтқазилган кўчатларнинг кўкаришига ва сақлаб қолинишига, шунингдек тоғ этаклари ва даштларда ўрмонзорлар барпо этиш соҳасидаги ишларни кенгайтиришга кўпроқ эътибор беришлари керак.

Канон етиштиришда анчагина муваффақиятларга эришилди. 1976 йилда 319 минг тонна канон полизмаҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна ғалла етиштириб, давлатга камида 1 миллион тонна дон сотадилар, деб ишонамиз.

Сабзавоткорлар, боғбонлар ва соҳибкорлар юксак марраларга эришдилар. Ўтган йили 3,6 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилди. Мева-сабзавотни давлат йўли билан харид қилиш 2 миллион 265 минг тоннадан ортиб кетдики, бу топшириқдагидан 420 минг тонна кўпдир. Умумиттифоқ фондига, мамлакатнинг саноат марказларига қарийб 700 минг тонна мева ва сабзавот етказиб берилди.

Самарқанд райони, Оржоникидзе райони, Тошкент райони ва Калинин райони мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга ишлаб чиқариш планларини йилдан-йилга бажармаётган, кам ҳосил олаётган анчагина хўжаликлар ҳали ҳам бор. Айрим хўжаликлар сабзавот ва мева етиштириш умумий планларини бажарганлари ҳолда кўпинча маҳсулот турларига эътибор бермайдилар.

Республика хўжаликларида бу йил 1 миллион 100 минг тонна сабзавот, 510 минг тонна полиз ма

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № № 2 (168)

ПРОЖЕКТОРЧИЛАР РЕЙДИ

Шаҳримиздаги барча саноат корхоналарида комсомол прожектори штаблари ва постлари ташкил қилинган. 356 та пост ва штабга ҳозир 1800 га яқин йигит-қиз бирлашган. Улар халқ контроли группалари билан ҳамкорликда хўжаликнинг турли соҳалари бўйлаб рейд ва текширувлар ўтказмоқдалар.

Ўтган йили шаҳар комсомол прожектори штаби корхоналардаги штаб ва постлар билан биргаликда 73 та рейд уюштирди. Бу рейдларда 357 киши иштирок этди. Айниқса енгил саноат корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш юзасидан ўтказилган текширув самарали натижалар берди. Текширув давомида прожекторчилар таклифи билан сифатли эмульсия тайёрловчи агрегатлар монтаж қилинди. Маҳсулот сифатини оширишга ёрдам берувчи технологик жараёнлар такомиллаштирилди.

Рейддан сўнг айниқса пойафзал фабрикасида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда йил сайин маҳсулотларнинг 70 хилдан ортиқроғи янгиланмоқда. 15 моделдаги пойафзалга давлат Сифат белгиси берилди.

8-гишт заводлари бошқармаси ишини ҳам биз алоҳида текширувдан ўтказдик. Текширув давомида технология режимининг бузилаётганлиги натижасида сифатсиз гиштлар тайёрланаётганлиги маълум бўлди. Кондитер-ачитқи бирлашмасида ўтказилган рейд ҳам маҳсулот сифатини янада яхшилашга ёрдам берди.

Бошқа соҳаларда ҳам биз кўплаб рейдлар ва текширув ўтказаяпмиз. Шаҳар халқ контроли комитети билан ҳамкорликда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини алоҳида текшириб чиқдик. Бу рейдда 65 та савдо корхонаси ва 46 та умумий овқатланиш корхонаси ишидаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди. Рейд давомида бир қатор магазинларда совет савдо қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди. Шундан кейин пассажир транспорти ишни текширувдан ўтказилди. Текширувда автомобиллардан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги, ремонт ишларининг сифатсизлиги, автобусларнинг рейсдан барвақт чиқиб кетиши натижасида графикларнинг бузилаётганлиги маълум бўлди. Текширув якунларининг ҳаммаси шаҳар комсомол прожектори штабида ҳамда халқ контроли комитетида муҳокама қилиниб, тегишли чора ва тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги кунда биз янги йил учун тузиб олинган перспектив план асосида иш кўраяпмиз. Прожекторчилар ёрдами билан шаҳримизда қолоқ корхоналар қолмади. Ҳамма бир жон-бир тан бўлиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Р. ЗОКИРОВА,
Янгийўл шаҳар комсомол комитетининг секретари.



*

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг илғор тўқувчиси Дилбар Қулматова ҳозир бир йўла 48 станокни бошқараяпти. У иш вақтидан рационал фойдаланишга ва фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга мувофақ бўлмоқда. Дилбар ишдан бўш соатларида назоратчилар билан комбинат бўйлаб ўтказилаётган рейд ва текширувларда актив иштирок этаяпти. Суратда: коммунист ишчи Дилбар Қулматова (чапда) ўз шогирдлари Зулайҳо Камбарова ва Мадина Раҳмонова йигирган ипларнинг сифатини кўздан кечираяпти.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

*

УРУҒЛИК ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ РЕЙДИ

Қишлик-қировлик кунлар оёқлаб қолди. Ҳадемай ўлкамиз бўйлаб сўлим баҳор яшил сепини ёяди. Бепоён далалар узра яна меҳнат симфонияси янграйди, бобо деҳқон ерга барака уруғи қадайди.

Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги нишонланадиган шу қутлуғ йилда областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишган. Деҳқонларимиз шонли санани ёруғ юз билан кутиб олиш учун ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар техникани сифатли ремонтдан чиқариб баҳорги экиш кампаниясига шайламоқдалар, ерга ташланадиган сара уруғларни яна бир-бир қўлдан ўтказиб, экишга ҳозирламоқдалар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози баҳорда экиш учун минг тоннадан ортиқ уруғлик картошка жамғариб қўйди. Уруғлик сақланаётган омборларда ҳарорат плюс 5 градус атрофида. Картошкалар махсус яшикларда 40-50 сантиметр қалинликда сақланмоқда. Вақти-вақти билан ўтказиб турилган саралаш пайтида бироз уринган картошкалар ажратиб олинмоқда. Яроқсиз уруғлик эса бош агроном, ревизия комиссияси раиси, халқ контроли группаси аъзолари ва омбор мудири иштирокида акт тузилиб, чиқитга чиқарилмоқда. Бу йил колхозда 220 гектар ерга картошка экиш мўлжалланган. Бунинг учун 880 тонна уруғлик кифоя. Колхозда эса бундан ҳам кўпроқ майдонга экишга етадиган уруғлик сақланмоқда.

Райондаги «Маданият», «Правда» колхозларида ҳам уруғлик картошка авайлаб асраляпти. Улар вақти-вақти билан сараланиб, шамоллатиб турилибди. Кунлар илиши билан колхозчилар ёппасига экишни бошлаб юборадилар.

Халқ назоратчилари ўтказилган рейд давомида уруғликни намуналаш сақлашда эришилган ютуқларни кўриб қувондилар. Айни пайтда бир қатор хўжаликларда уруғликни сақлашга эътиборсизлик билан қараланётганлиги уларни қаттиқ ранжитди.

Калинин районидаги «Хасково» совхозида уруғликни сақлаш технологияси қўпол равишда бузилмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида жамғариб қўйилган уруғлик шу кунгача бирор марта ҳам сараланмаганлиги назоратчиларни ажаблантирди. Омборларда намлик даражаси ва ҳарорат ўлчаб турилмайди. Уруғликнинг чирий бошлаган қисми ўз вақтида ажратиб олинмайди. Бунинг натижасида унинг кўп қисми яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Узоқ муддатдан сўнг ўтказилган саралашдан сўнг уруғликнинг 10 процентдан ортиғи чиқитга чиқиб кетди.

Калинин номли колхозда эса уруғликни ёйиб қўйиш ўрнига тўр қопларга солиб уйиб ташлашган. Уруғлик сақланадиган омборлар ҳавоси паст. Вентиляциянинг йўқлиги натижасида уруғликни моғор босиб кетаяпти. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Москва» совхозларида ҳам уруғликни сақлаш технологиясига риоя қилинмаяпти.

Биз бошқа районлардаги аҳволни ҳам атрофлича ўргандик. Кейинги пайтда Оҳангарон районн саноат марказларини картошка ва сабзавот билан таъминлашда асосий базалардан бири бўлиб бораяпти. Район аҳли бу йил яна ҳам кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштириш юзасидан ўз зиммасига катта мажбурият олган. Лекин бугунги иш мажбуриятга яраша бўлмаяпти. Хўжаликларда уруғликни сақлашга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Будённий номли, Раҳимов номли, Ворошилов номли совхозларда ўтган йилнинг кузида жамғариб қўйилган уруғлик картошканинг 12 проценти яхши сақланмаганлиги натижасида экишга яроқсиз бўлиб қолди. Раҳимов номли совхоз деҳқонлари 954 тонна уруғлик картошканинг салкам 600 тоннасини ўраларга кўмиб қўйган эдилар. Текширув давомида ўралар очиб қаралганда картошкалар ёппасига чирий бошлаганлиги маълум бўлди. Назоратчилар дарҳол бу уруғликни ўрадан олиб, саралаб омборларда сақлаш лозимлигини уқтирдилар. Будённий номли совхозда эса уруғлик махсус омборларда сақланаётган бўлсада, вентиляторнинг йўқлиги натижасида уларнинг бир қисмини моғор босиб қолибди.

Рейд қатнашчилари Тошкент райони хўжаликларида ҳам бўлишди. Ўтган йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида ҳам бу районда уруғликларнинг қандай сақланаётганлиги текшириб кўрилган эди. Текширув якунлари район партия комитети бюросида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган эди.

Ҳозирги кунда район колхоз ва совхозларида 6590 тонна уруғлик картошка сақланмоқда. Ильич номли, С. Раҳимов номли, Ленин номли колхозларда уруғлик махсус яшик ва стеллажларда асраляпти. Ўтган давр ичида уруғлик икки марта сараланди. Саралаш давомида яроқсиз деб топилган 7-8 процент уруғлик акт тузилиб, чиқитга чиқарилди.

Бу галги текширув ҳам катта самара берди. Назоратчилар ютуқлар билан бирга баъзи нуқсонларни ҳам аниқлаб, уларни бартараф этишда деҳқондарга яқиндан ёрдам бердилар. «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозида жамғарилган уруғлик бешта жойда сақланаяпти. Уруғликнинг беш жойга сочиб юборилганлиги унинг қандай сақланаётганлиги устидан мунтазам назорат қилиб бориш имконини бермаяпти.

Колхознинг 7-бригадасида сақланаётган уруғлик захда қолиб кетган. Уни зудлик билан саралаб, қуруқроқ жойга олинмаса, намда димиқиб моғор босиб кетиши турган гап. «Тошкент» совхозида сақланаётган уруғликнинг бир қисмини эса иккинчи марта саралашдан ўтказиш керак. Навоий номли колхоз экишга мўлжалланган уруғликни ҳам яна бир марта саралаб чиқиш керак. Чунки уруғлик сақланаётган хоналарнинг ҳавоси паст, уларнинг ҳарорати ўлчаб турилмайди. Омборларда ҳавони мўътадил сақлаш тадбирлари кўрилмаган.

Текширув давомида айрим хўжаликларда шоли ва беда уруғини жамғариш ҳам қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлди. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари бу масала билан ўз вақтида жиддий шуғулланмаганлар. Оққўрғон райони хўжаликлари бу йил экиш учун 157 тонна шоли уруғини жамғаришлари керак эди. Лекин бу вазифа тўла бажарилмай қолди. Хўжаликларда атиги 108 тонна уруғлик жамғарилди, холос.


Райондаги илғор Ҳамид Олимжон номли колхоз раҳбарлари рейд қатнашчилари олдида қаттиқ уялдилар. Чунки колхозда бирор тонна ҳам шоли уруғи жамғарилмаган эди. Калинин номли, Навоий номли, «Ленинизм» колхози раҳбарлари эса 3-4 тонна уруғликни гамлаб кейин хотиржам бўлдилар. Пирик хўжаликларга бу уруғлик урвоқ ҳам бўлмайди. Уруғликни тозалаш ва сақлаш давомида яна унинг бир қисми чиқитга чиқиб кетишини чамаси ҳаёлларига ҳам келтиришмаган бўлишса керак. Шундай кўнгилсиз ҳолга Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларида ҳам дуч келдик.

Қуйи Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз эса кеч кузда 334 тонна хўл шолини уруғликка ажратган эди. Уруғликнинг намлик даражаси шунчалик юқори эдики, қуригандан кейин унинг гози қолмади, экишга ҳам яроқсиз деб топилди. Энди унинг ўрнига яроқли уруғлик қидириш керак.

Область бўйича беда ва шоли уруғлиги кам жамғарилгани ҳолда уларни тозалаш ишлари ҳам суст бораяпти. Айниқса Бекобод райони хўжаликларида беда уруғини тозалаб сепишга тайёрлаш ишлари қониқарсиз ташкил этилган. Мавжуд 87 тонна уруғликнинг эндигина 12 тоннаси тозаланди, холос. Юқори Чирчиқ районида аҳвол бундан ҳам чатоқ. Тозалашга мўлжалланган 106 тонна беда уруғининг эндигина уч тоннаси қўлдан чиқди.

Хўжаликларда картошка, шоли ва беда уруғи тайёрлашнинг бориши юзасидан ўтказилган рейд якуни область халқ контроли комитетида атрофлича муҳокама қилинди. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. Мирсоатов, «Ташкентсовхоз» трести директорининг ўринбосари Т. Г. Готин ўртоқларга уруғликни сақлаш ва тайёрлашда йўл қўйилган нуқсонлар кўрсатилди. Уруғлик картошкани намунали сақлаш устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун Тошкент область «Сортсемовош» бирлашмаси бошлиғи А. А. Григорянц жиддий огоҳлантирилди. Жавобгар шахслар зиммасига назоратчилар аниқлаган нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш ва баҳорги экишга фақат сара уруғларни тайёрлаб қўйиш вазифалари юклатилди.

П. А. КАБАЧКОВ,
Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.
Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг алоҳида эътибор бермоқдалар. Ер текис бўлса, нҳол сувга яхши низатор-назоратчи А. Жониқулов билан бирга дала ишлари сифатини кузатаяпти.

Ҳудойқул Пардаев бошлиқ бригадаси аъзолари ерни экишга сифатли тайёрлашга қонадн, ҳосил бўлиқ бўлади. Суратда: бригада бошлиғи Ҳ. Пардаев (ўнгда) механизатор М. Қорабеков фотоси.

ПАРТИЯ ДАЪВАТИГА ЗАРБДОР,

МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

БАРЧА ТЕХНИКА МАВСУМГА ТАХТ БЎЛСИН!

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ВА РЕМОНТЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ВА «УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» ХОДИМЛАРИГА

О Ч И Қ Х А Т И

Азиз ўртоқлар! Шу кунларда бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Мактубида баён қилинган кўрсатмаларни изчил амалга ошириш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликларда баҳорги экиш мавсумига ҳар томонлама ҳозирлик кўриляпти. Пешқадам колхоз ва совхозлар ҳозирданоқ экиш мавсумида ишлатиладиган техникани тахт қилиб қўйдилар. **«Шундай қилиш керак ки,**— дейилади КПСС Марказий Комитетининг Мактубида,— **ҳар бир республика, ўлка, областда, ҳар бир колхоз ва совхозда, бўлим ва бригадада, «Сельхозтехника» корхоналарида машиналарни кўкламги экишга тайёрлашнинг календарь графиклари ишлаб чиқилсин, ремонт ишларининг юксак суръатлари таъминласин».** Бу сўзлар шу кунларда олиб бораётган ишларимиз учун ҳаракат программаси бўлиб қолмоғи керак. Районимиз механизаторлари шу сермаъно сўзларни дилларига жо қилиб ремонт ишларини қизитмоқдалар. Лекин бу борада қилинган ишлар ҳали ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Ваҳоланки, экиш олдидан қилинадиган ишлар ҳажми бениҳоя каттадир. Чунки қиш эрта тушиб, зарур агротехника тадбирларининг анча қисми амалга ошмай қолди. Шу сабабли партиямиз бизни техника ремонти ишларини ҳар қачонгидан жадаллаштиришга даъват этмоқда.

Қадрли дўстлар! Бу йил совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь инқилобининг 60 йиллигини нишонлайди. Бу улуғ айёмни муносиб туфҳалар билан кутиб олиш ҳар биримизнинг муқаддас бўрчимиз. Шу боисдан матбуотда партиямиз Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги» тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу барчани юксак марралар сари ундамоқда. **...«Қишлоқда буюк ўзгаришлар амалга оширилди. Иқтисодий социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди. В. И. Ленин қишлоқларимизга юз минг трактор етказиб беришни орзу қилган эди. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалигида 2,3 миллион трактор, 680 минг дона комбайн ва бошқа хил техника ишлаб турибди. Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий ҳажми 4,4 баравар ўсди. Колхоз ва совхозлар экономикасининг мустаҳкамланаётганлиги, қишлоқ хўжалиги замонавий индустриал негизга кўчирилаётганлиги, қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётининг моддий ва маданий-маиший шароитлари доимо яхшиланиб бораётганлиги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотишга олиб боради»,** дейилади қарорда.

Қўкламги экиш мавсумининг муваффақияти кўп жиҳатдан техника воситаларини ўз вақтида ва пухта шай қилиб қўйишга боғлиқдир. Ўтган йили кузда Бошқирдистон, Целиноград ва Иваново механизаторларининг мактуби матбуотда эълон қилинган эди. Бу ватанпарварлик ташаббуси мамлакатимизда кенг қўллаб-қувватланди. Механизаторларнинг қалб даъвати КПСС Марказий Комитетининг Мактубида ҳам қимматли ташаббус сифатида тилга олинган.

Районимиз механизаторлари мамлакат миқёсида кенг ёйилган ташаббусга қўшилиб, баҳорга барвақт тайёргарлик кўриш тадбирларини тузиб чиқдилар ва ишни ана шу конкрет тадбирлар асосида ташкил этмоқдалар. Техника шарофати, унинг мўъжизакор қудратидан баҳраманд бўлмаган деҳқон йўқ. Ниҳ сайин юксалиб бораётган осмонўпар хирмонимизда ҳам техниканинг роли беқиёсдир. Аммо деҳқоннинг беминнат дастёри бўлган техникани керакли пайтда ишлатиб, мавсум тугагач, унга етарли даражада эътибор бермаётган, уни кўз қорачиғидек, авайлаб-асрамаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Жойлардаги бу хил камчиликларни дарҳол бартараф этиш шу кунниng кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир.

Шу кеча-кундузда районимиздаги колхоз ва совхозлар ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмаси устахоналарида мавжуд техника воситаларини дала ишларига ҳозирлаш қизғин давом этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Мактуби, партия Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарордан илҳомланган районимиз **механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари экиш агрегатларини кўкламги мавсумга тўла шайлаб қўйдилар. Беда ўрадиган техникани яқин кунларда, дон ўрадиган комбайн ва жатакаларни 1 мартгача, пахта териш машиналарини 1 апрелгача тахт қилиб қўймоқчимиз.**

Район хўжаликларида ва «Узсельхозтехника» корхонасида техника ремонтини сифатли ўтказиш ва тезлатиш учун 36 та доимий ремонт бригадалари ишлаб турибди. «Узсельхозтехника» район бирлашмасида узел ва агрегатларни ремонт қилиш ҳажми кенгайтирилади ҳамда шу йўл билан машиналарни ремонтга келтириш муддати қисқариб, устаханалардаги ремонтчиларнинг меҳнат унумдорлиги оширилади, хўжаликларни эътиёт қисмлар билан таъминлаш янада яхшиланади. Дала ишлари бошлангунга қадар барча турдаги узел ва агрегатлар фонди яратилади.

Машиналарнинг хизмат муддатларини узайтириш имконини берадиган чораларни амалга оширамиз. Уларни муддатидан илгари ҳисобдан чиқарилишига асло йўл қўймаймиз. Машиналар сақланадиган жойларни озода бўлишини таъмин этамиз, техника қаровини Давлат стандарти талабларига мувофиқ равишда яхшилаймиз. Бригадалар, бўлимлар, хўжаликлар ўртасида техникани дала ишларига ҳозирлаш ва ремонт сифатини кўздан кечирадиган ўзаро текширувларни ташкил этамиз.

Партия Марказий Комитетининг Мактубида кўрсатилганидек, агрегатларни икки сменада ишлатамиз. Бунинг учун ҳунар-техника билим юртлари ва хўжаликдаги махсус курсларда 325 нафар трактрочи тайёрлаймиз, асосий эътиборни ҳотин-қиз механизаторлар тайёрлашга қаратамиз. Қайта тайёрлов курсларида кўплаб механизаторлар малакаларини оширадилар ва 1977 йилда камида 70 процент механизатор I ва II класс маҳоратига эга бўлади. Район ўқув комбинатида барча механизаторларнинг малакасини ошириш бўйича ойлик курслар ташкил этамиз.

Чигит экишни 5—7 иш кунида ўтказамиз, бунгача донли ва озуқа экинлари экишни тугаллаймиз. Ердан интенсив фойдаланишга алоҳида аҳамият берамиз. Етиштирилган пахта ҳосилининг камида 80 процентини машиналар билан йиғиштириб оламиз, йиғим-теримга шаҳарликлар, студент ва ўқувчиларни жалб этмаймиз.

Ремонт ва техника хизматига сарф бўладиган маблағлар харажатини пландагидан 3—4 процент камайтирамиз, ёнилғи, мойлаш материалларини бу ишни механизациялаштириш йўли билан камида 5 процент тежаб қоламиз. Техника хизматини юқори сифатли ва ўз вақтида ўтказиш ҳамда механизаторлар маҳоратини ошириб бориш ҳисобига машиналардан фойдаланишни яхшилаймиз, трактор ва терим агрегатларининг унумдорлигини 7 процент кўпайтирамиз.

Ҳамиша бўлганидек, коммунист ва комсомоллар бу курашнинг олдинги сафида боришга, ўз маҳоратлари, юксак малакалари — бир сўз билан айтганда намунали ишлари билан ҳаммага ибрат бўлишга даъват этилгандирлар.

Азиз касбдошлар! Кўкламги экишга жуда оз вақт қолган бўлишига қарамай, ҳамма жойда ҳам техниканинг талай қисми ремонтдан чиқарилган эмас. Бошқалар қатори биз ҳам юбилейолди меҳнат вахтасида туриб ишлайлик, белгиланган нормаларни тўла ва ортиғи билан бажаришга эришайлик.

Хўжаликлар ва ремонт корхоналарининг раҳбарлари! Сизларга мурожаат қиламиз, техникани шайлашда қатнашаётганларнинг юксак унум билан ишлашлари учун етарли шарт-шароитларни яратиб беринг, мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантиринг, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш диққат-эътиборда бўлсин.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси ходимлари! Сизларга айтадиган алоҳида гапларимиз бор. Ремонт корхоналаридаги ишларни янада жадаллаштиринг, сифатни оширинг, колхоз ва совхозлар устахоналаридаги ишларнинг бир маромда боришини таъминлаш учун зарур аҳтиёт қисмларни етказиб беришда узилишга йўл қўйманг. Шундай қилингки, механизаторлар ва ремонтчи слесарлар бир кун, бир соат ҳам бекор туриб қолмасинлар.

Ҳамма соҳадаги ишнинг сифатига алоҳида эътибор берайлик. Бракчиларга, қўл учида иш қилувчиларга асло бефарқ қарамайлик, уларга нисбатан жамоатчилик таъсирини ўтказайлик. Барча хўжаликларда қўлдан чиқарилган техникани қабул қилиб олувчи махсус комиссиялар тузиш ва уларнинг масъулиятини оширишни жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу ишда жамоатчиликнинг ўткир кўзи бўлмиш халқ назоратчилари актив фаолият кўрсатишга даъват этилгандирлар. Кейинчалик машина-механизмларнинг бекор туриб қолиши, муддатларнинг ўтиб кетиши, ҳосилнинг бой берилиши аламини тортгандан кўра, ҳозир, ҳали вақт борида ҳар бир машина ва механизмни қайта-қайта текшириб чиққан яхшироқдир.

Ҳурматли ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг даъвати барча қишлоқ аҳлини зарбдор ишлашга чорлаяпти. Мазкур қарорда ифода этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўз вақтида рўёбга чиқиши учун бутун чораларни кўрайлик. «...Ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик план топшириқларини «яхшироқ ишлайлик, самарадорлик ва сифатни оширайлик!» шиори остида тўла ва оширib бажариш учун мусобақа кенг авж олиб кетди»— дейилади қарорда. Келинг, дўстлар, биз ҳам ҳамма жойда ишни оқилона ташкил этиб, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик.

Қадрли ўртоқлар, сизларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, техника тараққиётини тезлатиш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, маҳсулот етиштириш ва унинг сифатини яхшилаш борасидаги ҳамма резервларни ишга солиш учун бутун куч ва имкониятларни тўла сафарбар этишга чақирамиз.

Юбилей йили баҳорини ҳар томонлама шай ҳолда қарши олайлик. Механизаторлар мусобақаси авж олаверсин.

Фахриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози механизатори, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Миханд КОВЕШНИКОВ,
«Оққўрғон» совхози механизатори.

Шаҳзода ТАМАРАДЗЕ,
«Узсельхозтехника» район бирлашмаси ремонт бригадасининг бошлиғи.

Раҳмон УМАРОВ,
Юрий СОМАДУРИН,
«Узсельхозтехника» район бирлашмаси слесарлари.

(«Қишлоқ ҳақиқати», 6 февраль).

СОБИР РАҲИМОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ГЕНЕРАЛИ



...ҮТТИЗИНЧИ йиллар. Ёш Совет ҳукуматининг душманлари ҳамон разил ниятларидан қайтганларича йўқ. Улар партия ва комсомол аъзоларидан, янгилик тарафдорларидан ўч олиш ниятида ҳар қандай ёвузликдан қайтишмайди. Жойларда босмачилар тўдалари бутун-бутун қишлоқларни талаб, неча ўнлаб хонадонлар бошига мусибат солмоқда.

Ёш республика душманларига қарши жанг қилганлар орасида Собир Раҳимов ҳам иштирок этди. 1925 йили Китоб районидаги қўрбоши Тангриберди додҳога қарши бўлган жангда Собир Раҳимов взводга командирлик қилди. Бунгача у Бокудаги командирлар тайёрлаш мактабида ўқиб, ҳарбий таълим сирларини мукаммал ўзлаштирган, ҳатто 1924 йили курсантлик пайтида курсдошлари билан Грузиянинг Сурами шаҳрида пайдо бўлган аксилинқилобий қуролли бандаларга қарши курашда қатнашиб, ҳарбий маҳоратини илк бор синовдан ҳам ўтказган эди. Тангриберди додҳога қарши бўлган жангда кўрсатган жасорати ва унсурлар билан бўлган кейинги жанглари учун Туркистон ҳарбий қўмондонлиги томонидан номи ёзилган қилич билан мукофотланди. Қиличнинг гилофига «Босмачиларга қарши жангларда мардлик кўрсатгани учун қизил командир С. Раҳимовга» деган сўзлар ёзилган эди. Бу Раҳимовга берилган биринчи жанговар мукофот эди.

1927 йилда С. Раҳимов Туркманистонда қутурган Жунаидхон галаларини тормор этишда муваффақият қозонди. Қорақум саҳросида бўлган жангларда Раҳимов взводи чиниқди, командир эса сувсиз саҳро шароитларидаги жангларда катта тажриба тўплади.

Туркистон ҳарбий округининг қўмондони М. К. Левандовский, армия командирлари, Ўрта Осиё ҳарбий округининг қўмондонлари К. А. Арсентьевский, П. Е. Дибенко, полк командирлари Ф. М. Константиков, И. Е. Петров, эскадрон командири Миркомил Миршаропов каби ҳарбий ва сиёсий илм эгаларидан бўлган лашкарбошилар Собир Раҳимовнинг командир сифатида камол топишида муҳим роль ўйнадилар.

Ёш командир ҳаётида 1928 йилнинг октябрь ойида унутилмас воқеа юз берди. У шонли Коммунистик партия сафига ўтди.

...ЎЗИНИНГ амалий жанговар фаолиятини инқилоб душманларини тор-мор келтиришдан бошлаган биринчи ўзбек генерали Умар ўғли Собир Раҳимов 1902 йилнинг февраль ойида Тошкентнинг Себзор даҳасига қарашли тўртинчи Кохота маҳалласида камбағал оиласида туғилди. Ёш Собир дастлаб диний мактабда, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг янги очилган совет мактабида ўқиб, таълим олди, 1916 йилда у отадан етим қолди. Ота ўлимидан сўнг Собирлар оиласида анча оғир ҳаёт бошланди. Инқилоб қўшинининг пурлари улар хонадонига ҳам ёруғлик ва иссиқлик бахш этди, Ёш Собир мактабни тугатгач, 1922 йили Бокудаги ҳарбий мактабга ўқишга йўл олар-кан, ўқувчиларига фамилиясини Собир Раҳимов Умар ўғли деб ёздирди.

Собиржон командирлар мактабида ўқиб юрган кезларида ҳарбий ва сиёсий тайёргарликка меҳр қўйди. Отлиқ аскарларнинг машқларини ўтказилган кунларда Бокуга келган Михаил Васильевич Фрунзе ҳам унинг эпчил ва чаққон ҳаракатларига қойил қолиб, Собир Раҳимовни мукофотлаш ҳақида фармон берди.

...1941 йилнинг 28 июлида немис-фашистлари Смоленск—Драгобуж йўлини кесиб, Смоленскнинг шарқий қисмида қўшинларимизни қуршаб олишгач, шиддатли жанглар янада авжига чиқди. Шу дақиқаларда полк командири вазифасини бажараётган майор Раҳимов шахсий составни душман халқасини ёриб ўтишга тайёрлаш ҳақида жанговар буйруқ олади. Августнинг эрта тонгида полк кескин ҳужумга ўтди. Бу жангда командир Раҳимов оғир яралар бўлди. 1941 йилнинг сентябрида соғайиб, яна жангга қайтди. Энди у жанубий фронтнинг 12-армиясига қарашли 353-ўқчи дивизия составидаги 1149-ўқчи полкига бошчилик қила бошлади. Бу пайтда фон Клейст армиясининг қисмлари янги ҳужумга шайланарди. Раҳимов олдида масъулиятли ва мураккаб вазифа турарди. Полк пухта разведкадан сўнг буйруққа биноан 30 ноябрь куни ҳужумга ўтди. Дастлабки топшириқ бажарилгач, Оржоникидзе районини оркали Ростов томон юриш бошланди. Раҳимов полки шаҳарга биринчи бўлиб кириб борди. Бу жангда фашистларнинг ўттиз танки, 17 замбарак, 30 га яқин пулемет ва 250 дан ортиқ автомашинаси қўлга олинди. Раҳимов бошқарган полк Ростов операциясидан сўнг Донбасс учун бўлган жангларда иштирок этди.

1942 йилнинг 14 сентябрида алоқачи Аня Ткаченко 198-пиёдалар дивизиясининг командири генерал Фон Бушнинг радио орқали: «Бизнинг қаршимизда қандайдир Раҳимов бошчилигидаги жангларда абжаги чиққан дивизия турибди. Биз уни уч кун ичида тор-мор келтириб, Туапсега чиқишимиз, шу билан Кавказ операциясининг бир қисмини тамомлашимиз зарур» деб ўз қўшинларига айтган гапларини «ушлайди».

Фон Буш «уч кунга» мўлжаллаган жанг уч ойдан зиёд давом этди. Бу жангда фашистлар жуда катта талофот кўрди. Дивизия жангчилари фашистларнинг 8 мингдан зиёд солдат ва офицерларини қириб ташладилар, кўплаб солдат ва офицерлар асир олинди, генерал адъютантининг кундалиги қўлга туширилди.

1943 йил январь ойи ўрталарида Собир Раҳимов дивизияси Закавказье фронтининг Қора денгиз қўшилмалари билан бирга ҳужумга ўтиб, гитлерчиларнинг 17-армияси қисмларини тор-мор этди. 12 февралда Краснодарни душмандан озод қилди ва ҳужумни бўшаштирмай фашист газандаларини шаҳардан 130 километр нарига улоқтириб ташлаб, Кубань дарёси ёнида жангга киришди.

ҚЎМОНДОНЛИК Раҳимовнинг мамлакатимиз жанубидаги жанговар фаолиятини юксак баҳолади. Ростов операцияси ва Шимолий Кавказ мудофааси учун полковник С. Раҳимов иккинчи марта Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Кубандаги операция муваффақияти учун Раҳимов иккинчи даражали Суворов ордени билан тақдирланди ва Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калининнинг табрик хатини олди. Хатда: **«Иккинчи даражали Суворов орденини Сизга шахсан топшириш имконига эга эмаслигим туфайли СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 8 февралдаги Фармонига биноан Сиз тақдирланган мукофотни шу хат билан юбормоқдаман. Сизни юксак мукофот билан табриклаб, жанговар фаолиятингиз ҳамда шахсий ҳаётингизда муваффақиятлар тилайман».** деб ёзилган эди.

1943 йилнинг 19 мартида СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан полковник Собир Раҳимовга бенуқсон хизмати, шахсий жасорати ҳамда қўмондонлик қобилияти учун генерал-майор ҳарбий унвони берилди.

Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов бошчилик қилган дивизия жангчилари фашистларни мамлакатимиз тупроғидан улоқтириб ташлагач, Польшанинг Даядлово, Млава, Плоньск каби шаҳарлари учун ҳам жанг қилди.

1945 йилнинг баҳор ойида Данциг учун бўлган шиддатли жанглар пайтида Собир Раҳимов рафиқасидан хат олди. Хатда шундай сатрлар ҳам бор эди:

«Азизим Собир ака! Ҳозиргина тунги сменадан қайтдим... Мен ишлаётган фабрикада иш яхши. Ҳаммада, ҳатто биз билан меҳнат қилаётган ёшларда ҳам ғалабага ишонч шу қадар каттаки, ҳамма ерда фақат шу сўз тилга олинади... Ҳамманинг сизларга ёрдам бергиси келади... Елвораман, ўзингизни эҳтиёт қилинг... Ўғлингиз ва рафиқангиз.

Бу хат генерал ҳаётлигида олган сўнгги хат эди.

1945 йилнинг 25 мартида бўлган жангда ажойиб ва довюрак командир мина парчасидан қаттиқ яраланди, эртаси кун даҳшатли ўлим уни орамиздан олиб кетди. Генерал ва у билан бирга шу жангда ҳалок бўлганлар 30 мартда Гродно шаҳрида дафн этилди.

СОБИР РАҲИМОВ... Ҳозирда район, колхоз, кўча, мактаблар ана шу ажойиб инсон номи билан аталади. Биринчи ўзбек генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов ҳақида китоблар ёзилган, фильмлар яратилган. Унинг беқиёс жасорати ёшларга ҳамиша ўрнак ва ибратли бўлиб қолади.

Ватан учун, халқ учун жонини фидо қилганлар номи ҳамиша барҳаёт!

С. ОХУНЖОНОВ,
генерал-майор.

Н. БЕКМИРЗАЕВ,
Тошкент Давлат маданият институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Суратда 1945 йил. II-Белоруссия фронти. Генерал Собир Раҳимов ҳарбий мухбир Адҳам Ҳамдам билан бирга.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ - ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ УЗ ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ «УЧҚУН» ТЎҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ФИРМАСИГА
тўқувчилар, расм туширувчилар, тикувчилар, слесарлар, лифтчилар, бош бухгалтер
КЕРАК.

ТОШКЕНТ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-ФУРНИТУР МЕХАНИКА ЗАВОДИГА
слесарь-асбобсозлар, созловчилар, токарлар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар, гальванчилар, штамповкачилар, шофёрлар, бухгалтерлар
КЕРАК.

«МЕЖГОРСВЯЗЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 4-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА
алоқа монтажчилари (Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматини ўтаб қайтганлар алоқа монтажчиси касбига ўқитиладилар).
КЕРАК.

ОФСЕТ ФАБРИКАСИГА
печатниклар, печатник ёрдамчилари ва офсет машиналарида қабул қилувчилар, пробист, ретушер, уснуналарда ишлаш учун муқовачилар, қоғоз ва тайёр маҳсулотларни қир.қувчилар
КЕРАК

ТУБЕРКУЛЁЗ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА
бош энергетик, маъмурий-хўжалик қисми бўйича бош врач ўринбосари, санитарлар, медицина ҳамшираларн, официантлар, боғбон, омбор мудири, хўжалик ҳамшираси, машинистка
КЕРАК

«ТАШКЕНТДОРСТРОЙ» ТРЕСТИГА
йўл инженерлари, механиклар, бош технолог, бош ва катта бухгалтерлар
КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.



Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтида «Главирсовхозстрой» корхоналари ва ташкилотлари бадиий ҳаваскорларининг кўриги бўлиб ўтди. Суратларда: Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Қарши строй» территориал бошқармасининг «Марҳабо» бадиий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчилари ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар. А. Абалян фотолари.

Спорт

КАМОНДАН ОТИШ

МЕРГАНЛАРНИНГ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Австралия пойтахтида 24 мамлакатдан тўпланган энг кучли камончиларнинг жаҳон чемпионати давом этмоқда. Аёллар ва эркаклар 30 ва 50 метрларга бўлган бахслардан сўнг программанинг биринчи турига якун ясашди. Олимпиада чемпиони америкалик Лиann Райен икки турда 1242 очко билан пешқадам бўлиб олди. Жаҳоннинг мутлақ чемпиони Зебинисо Рустамова эса 1191 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакат терма командаси сафида Европа чемпиони тошкентлик халқаро мастер Ольга Рыленко ҳам иштирок этмоқда. Тошкентлик спортчи ҳозирча кучли ўнлик сафида боряпти. Команда ҳисобида совет спортчилари иккинчи ўринни эгаллаб туришипти.

ХОККЕЙ

ДУРАНГ ВА ҒАЛАБА

Мамлакат чемпионатининг биринчи группасида мусобақалашаётган Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари ўзларининг навбатдаги учрашувларини ўтган чоршанба ва пайшанба кунлари Липецкнинг АСК (МХО) командаси билан ўтказишди. Сафарда муваффақиятсизликка учраб қайтган тошкентликлар ўз майдонларида икки ўйинда уч очко қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Биринчи учрашув 3:3 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Эртаси кун ўтказилган такрор ўйинда эса тошкентликларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Ҳисоб 10:1.

БАСКЕТБОЛ

ТУЛА УСТУНЛИКДА

Республика иккинчи ёшлар ўйинлари мусобақаси программасига спортнинг 27 тури киритилган. Баҳсни биринчи бўлиб баскетболчилар бошлаб беришди. Самарқандда ўтказилган мусобақада кўнгилли спорт жамиятларининг 12 командаси беллашди. Қизлар ўртасида ҳам, ўсмирлар ўртасида ҳам «Буревестник» кўнгилли студентлар жамияти вакиллари тўла устунлик қилишди. Улар бешта учрашувнинг ҳаммасида ғолиб келишди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Буратино кўргазмаси. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. М. Савицкий. 12.30 — Табиат ва инсон. 13.10 — «Адабий суҳбатлар». 13.45 — Концерт 14.25 — «Сиз бунга қодирсиз». 15.15 — «Меъморлар шаҳри» (бадиий фильм). 16.50 — «Здоровье». 17.20 — Музикали абонемент. 18.00 —Спортлото. 18.10 — «НАТО»: «Антиразрядка операцияси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. 18.40 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳайвонот оламида. 20.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 20.35 — «Нотинч ҳўжалик» (бадиий фильм). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 —Концерт. 23.30 — ДОСААФнинг спартакиадаси. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Телеминиатюралар. 11.00 — Т. Сайдуллаев концерти. 11.50 — Ота-оналар учун консультация. 12.20 — «Замандас». 13.00 — «Қалбга йўл» (бадиий фильм). 14.35 — «Жизель» балетидан парчалар. 15.35 — Телефильм. 17.55 — «Юлдузча». 18.25 — «Ёшлик». 18.55 — «Ўзбекистон ягона оилада». 19.15 — Ота-оналар университети. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Актёрлар ва роллар». С. Норбоева. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Лирик концерт. 22.00 —«ВАҚТ». (Москва). 23.30 — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг янги марралари. 22.50 — «Автомобилдан сақлан» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12II да **Аида**, 13II да **Доктор Айболит** (12.00), **Чио-Чио-Сан** (19.00), 14II да **Концерт** (БССР халқ артисти Зиновий Вабий иштирокида).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12II да **Қиёмат қарз**, 13II да **Қор малинкаси** (кундузи), **Келинлар қўзғолони** (кечқурун, билетлар сотилган), 15II да **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12II да **Жоним фидо**, 13II да **Олифта** (кундуз ва кечқурун), 14II да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13II да **Ишқ қурбонлари** (12.00), 15II да **Ишқ қурбонлари** (17.30).

Кино

Эски милтиқ — САНЪАТ САРОЙИ (катта зал, кундуз ва кечқурун), **Номаълум аёл** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Эски милтиқ — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир ҳушчақчақ дўстим бор — «ДРУЖБА» (15, 16.40, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Юлдуз юқорига тушади — «ЎЗБЕКИСТОН» (11.40, 14, 16.30, 18.40, 21.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 14, 17.20, 20.00).

Олтин чашма — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чигал излар — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Бўлиши мумкин эмас — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 15, 17, 19.00).

Номаълум аёл — «ҚЎҚЧА» (11, 14, 17, 20.00)

Малиновкада тўй — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ ОИЛАЛИ ИШЧИЛАРНИ
Қозогистон ССР Тўрғай область, Жаҳсинский райони совхозларида ишлаш учун
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ КВАРТИРА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР, ОИЛАЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ ВА НАФАҚАЛАР ТУЛАНАДИ.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, шаҳарлари ва районларидаги меҳнат ресурсларининг вакилларига ва ишга жойлаштириш бўйича бюроларга, Тошкент шаҳрида эса Привокзальная кўчаси, 30-уйга учрашилсин.

МУҲИМ ВОҚЕА

МАДРИД, 10 февраль. ТАСС мухбири А. Медведенко хабар беради: Совет Иттифоқи билан Испания ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисидаги хабарлар шу кунларда Испания матбуотида асосий мавзу бўлиб қолди. Газеталар ўзларининг соннасонсиз шарҳларида бу воқеанинг муҳим эканлигини, унинг ҳар иккала мамлакат халқларини бир-бирига яқинлаштириш, Совет-Испания иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш учун алоҳида роль ўйнаши кераклигини таъкидлаб ўтмоқдалар.

Бу — Испания тарихида унитилмас воқеадир, деди халқ социалистик партиясининг раиси Энрике Тьерно Гальван.

Испания социалистик ишчи партияси ижроия комиссиясининг аъзоси Энрике Мухика Совет-Испания муносабатларининг нормаллаштирилганлиги Испанияда социал-сиёсий ҳаётни демократлаштириш натижаси эканлигини таъкидлади.

Испания Компартияси Марказий Комитетининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Анхель Мульор Совет Иттифоқи билан Испания ўртасида дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши демократик эркинликларни тиклаш жараёнини чуқурлаштиришга кўмаклашади, ҳозирги вақтда Испания бошдан кечираётган иқтисодий қийинчиликни маълум даражада ҳал этишга ёрдам беради деб ишонч билдирди.

Испанияниг таниқли саноатчиси Хоакин Гарригес Уолкер Совет Иттифоқи билан дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтиради, бу эса бир-биримизни яхшироқ билиб олишга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

МИСРДА РЕФЕРЕНДУМ

ҚОҲИРА, 10 февраль. (ТАСС). Бутун Миср аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил қилувчи 9,5 миллионга яқин киши 1977 йилги иккинчи қонун хусусида мамлакатда ўтказиладиган референдумда қатнашмоғи керак. Президент Садат имзолаган бу қонунни маҳаллий обзорчилар антикоммунистик қонун деб атамоқдалар. У ҳозирги раҳбарларнинг тутган сиёсий-иқтисодий йўлига қарши ҳар қандай оппозицияни бостиришга қаратилган қонундир.

Шу қонунни бузувчиларни умрбод каторга жазоси кутмоқда. Референдум вақтида жавоб бериш керак бўлган саволнинг ўзи оддий мисрликни қўрқитадиган тарзда тузилганлиги диққатга сазовордир. Мана шундай саволлардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз: сиз жамиятга душман яширин ёки ҳарбийлашган ташкилотларнинг иш кўришига розимисиз? Давлатга ёки хусусий мулкка зарар етказишилигига розимисиз! Пигинлар ўтказилишига, ишчилар ва хизматчиларнинг муассасаларни ва заводларни ишгол қилишига, намойишлар ўтказилишига, олий ўқув юртларида машғулотлар тўхтатиб қўйилишига ва ўз фикрини билдириш учун куч ишлатилишига розимисиз?

Бу саволларга салбий жавоб берилиши ҳозирги режимнинг сиёсатидан норози бўлган ҳамма кишиларга қарши жазо чораларини кўзда тутган қонунининг маъқуллаганлигини билдиради.

Сўл партия референдумдан бир неча кун олдин тарқатган баёнотида мисрликларни ярим қонунни рад этишга чақирди. Чунки бу қонуннинг қабул қилиниши маъмурларга ҳар қандай баҳона билан граждандарни қамоққа олиш «ҳуқуқи»ни беради. «ҳар қандай сиёсий фаолиятни ғоят қалтис машғулотга» айлантиради.

Газеталар бугун янги қонуннинг демократияга ва халққа қарши руҳда эканлигини тушунтириб берган ишчилар ҳамда зиёлиларнинг вакиллари қамоққа олинганлиги тўғрисида хабар беради.

ВЕНАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ВЕНА, 10 февраль. (ТАСС). Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро камайтириш тўғрисидаги музокараларнинг иштирокчилари бугун бу ерда навбатдаги ялпи мажлис ўтказдилар. Мажлисда сўзга чиққан Канада вакили ҳақиқатда ғарбий томоннинг илгарики позициясини яна такрорлаб, бирон-бир келишувчи таклиф киритмади.

Социалистик мамлакатлар музокараларнинг ҳозирги 11 давраси давомида конкрет натижаларга эришиш йўлларини қатъият билан изламоқдалар. Уларнинг позицияси музокара иштирокчилари ўртасида дастлаб келишиб олинган принципларга асосланади ва бирон-бир томоннинг хавфсизлигига зарар етказмасликни назарда тутади.

Социалистик мамлакатларнинг муҳокама қилинаётган проблемаларга ёндошуви марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг реал нисбатини ифодалайди. Уларнинг бутун ҳаракати музокаралар иштирокчиларининг ҳарбий кучқувватни марказлаштиришни мумкин қадар камайтиришга қаратилган бўлиб, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашдан иборат программанинг таркибий қисмидир.

ИСРОИЛ ЗИНДОНЛАРИ ТУТҚИНЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

БЕРЛИН, 10 февраль. (ТАСС). Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Исроилнинг қамоқ зиндонларида азоб чекиб ётган арабларнинг тақдири учун қаттиқ ташвишланаётганлигини кескин қоралайди, дейилади телеграммада. Исроил маъмурлари тегишли халқаро конвенцияларни ва БМТ резолюцияларини жуда қўпол равишда бузмоқдалар, деб таъкидланади ҳужжатда.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Исроилнинг қамоқ зиндонларида азоб чекиб ётган арабларнинг тақдири учун қаттиқ ташвишланаётганлигини кескин қоралайди, дейилади телеграммада. Исроил маъмурлари тегишли халқаро конвенцияларни ва БМТ резолюцияларини жуда қўпол равишда бузмоқдалар, деб таъкидланади ҳужжатда.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Исроилнинг қамоқ зиндонларида азоб чекиб ётган арабларнинг тақдири учун қаттиқ ташвишланаётганлигини кескин қоралайди, дейилади телеграммада. Исроил маъмурлари тегишли халқаро конвенцияларни ва БМТ резолюцияларини жуда қўпол равишда бузмоқдалар, деб таъкидланади ҳужжатда.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 01202. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1563.